

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ ҲАҚИДА



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-154-159>

**Наим Обломуродов**

Тошкент молия институти

“Ижтимоий-гуманитар фанлар”

кафедраси мудир. Тар.ф.д, профессор

### АННОТАЦИЯ

*Мақолада янги Ўзбекистонда Ўзбекистон тарихи фанини ўқитишга оид янгича талқинлар, жумладан фанни ўқитиш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг айрим жиҳатлари баён қилинган. Унда бу борада янги Ўзбекистонда тарихчи олимлар ва мутахассислар олдига қўйилаётган устувор вазифалар ҳамда уларни амалга ошириш зарурлиги ва долзарблиги хусусида сўз юритилган. Мақолада Ўзбекистоннинг энг янги тарихини ўқитиш, яъни, қўлга киритилган мустақил тараққиёт йўлимизни танланиши, тарихимиз ва миллий-маънавий қадриятларимизни халқимизга қайтарилиши, ўзликни англаш даври эканлиги ва янги Ўзбекистон даврини ўрганишнинг долзарблиги ҳақида маълумотлар берилган.*

**Калим сўзлар:** *Ўзбекистон тарихи, фан, олимлар, ўзбек халқи, давлатчилик тарихи, ўтмиш, тараққиёт стратегияси даври, концепция, мерос, аждодлар, жасорат, энг янги тарих.*

### ABSTRACT

*The article describes new interpretations of the teaching of the history of Uzbekistan in the new Uzbekistan, including some aspects of the ongoing reforms in the teaching of science. It spoke about the priorities of historians and specialists in the new Uzbekistan, as well as the need and urgency of their implementation. The article provides information on the recent history of Uzbekistan, the choice of our path of independent development, the return of our history and national-spiritual values to our people, the period of self-awareness and the urgency of studying the new era of Uzbekistan.*

**Keywords:** *History of Uzbekistan, science, scientists, Uzbek people, history of statehood, past, period of development strategy, concept, heritage, ancestors, courage, recent history.*

### **КИРИШ**

Бугунги глобаллашув даврида мамлакатимиз бой тарихи, миллий давлатчилигининг шаклланиши ва тараққий этиши юзасидан халқимиз, айниқса ёшлар онгида бой ўтмишимизга нисбатан ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантириш, уларни ватанга нисбатан муҳаббат руҳида тарбиялаш вазифаси янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Дарҳақиқат, ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи узок ўтмишга бориб тақалади. Биз бу билан ҳақли равишда фахрланишимиз, ушбу бой, моддий ва маънавий меросни келажак авлодларга ўз ҳолича етказмоғимиз зарур. Бунинг учун тарих фанини ўқитишга янги талқинлар асосида ёндошмоғимиз муҳим

### **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР**

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги нинг Фармони ва унда белгиланган Ўзбекистон тарихини ўрганиш ва тарғиб қилишни янада ривожлантириш устувор вазифаси ва Тарих фанини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси таҳлили асосида ёзилди. Мақолада Н. Обломуродов ва Ф. Толиповлар томонидан 2022 йилда чоп этилган “Ўзбекистон тарихи” дарслигига ҳам мурожаат қилинди. Мақола барча ижтимоий-гуманитар фанларда қабул қилинган объективлик, изчиллик, тарихий ҳамда ижтимоий воқеа ва ҳодисаларни хронологик асосда ўрганиш, манба ва даллиларга таяниш ва уларнинг ҳаққонийлига асосланиш тамойиллари негизида ёритилди.

### **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги нинг Фармонида 77-мақсаднинг “Ўзбекистон тарихини ўрганиш ва тарғиб қилишни янада ривожлантириш” вазифаси белгиланганлиги ва унда Тарих фанини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини амалга ошириш

кўзда тутилганлиги<sup>1</sup> халқимиз ва унинг давлатчилиги тарихини ўрганишга давлат сиёсати даражасида аҳамият қаратилаётганлигини тасдиқлайди.

Президент Шавкат Мирзиёев қайд этганидек, “Бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмайлик: биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган халқмиз. Биз – ҳеч қачон меҳнатдан қочмайдиган, қийинчиликдан қўрқмайдиган, адолатни қадрлайдиган, азму шижоатли буюк халқмиз. Барчамиз бир тану бир жон бўлиб, яқдил ва аҳил бўлиб ҳаракат қилсак, ҳалол-пок бўлиб, яхши ният билан меҳнат қилсак, ҳар қандай марраларни эгаллашга, бошқача айтганда, тарихнинг янги саҳифасини яратишга қодирмиз”. Албатта, бу қадимий ва табаррук маскандан буюк алломалар, фозиллар, олиму уламолар, саркардалар етишиб чиққан. Кўплаб диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган. Ўтмишда барпо этилган мухташам тарихий ёдгорликлар ва иншоотлар шу кунгача ўз кўркини, маҳобатини йўқотмаганлиги, қадимдан юртимизда ўтроқ деҳқончилик, ривожланган ҳунармандчилик маданияти, меъморчилик, шаҳарсозлик санъати юксак даражада ривожланганлигидан далолат беради. Ушбу тарихий меросни ўрганишнинг назарий-методологик асослари ҳамда тамойиллари хусусидаги муҳим таклифларнинг давлатимиз раҳбари томонидан ўртага ташланиши мустақиллик йилларида ҳаққоний тарихимизни ўрганиш борасидаги айрим муаммоларни ҳал қилишда муҳим дастур бўлмоқда. Айниқса бу борада узоқ йиллар мобайнида йўл қўйилган айрим хато ва камчиликларни рўй рост танқидий таҳлил қилиниши ҳам муҳим воқеа бўлди. Бу борада ўз фикр мулоҳазаларини билдирган Президентимиз қуйидагиларни қайд этади: ”Афсуски, юртимиз тарихини ўрганишда ўтган даврларда археологик тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмади. Шунинг учун Фанлар академиясининг Археология ва Санъатшунослик институтлари фаолиятини, олий ўқув юртлари ва музейлардаги археологик изланишларни чет эллик ҳамкорлар билан бирга ташкил этиш зарур.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Буюк аллома ва адибларимиз, азиз-авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак. Шу мақсадда, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибида “Ўзбекистон тарихи” телеканалини ташкил этиб, илмий жамоатчилик, ижодкор зиёлиларимиз билан биргаликда унинг дастурларини

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги Фармони. // Янги Ўзбекистон. 2022 йил, 1 феврал, №22 (544)

пухта шакллантириш керак. Мамлакатимиз музейларида сақланаётган тарихий экспонатларни тўлиқ хатловдан ўтказиш, ҳар бир музейнинг каталогини яратиш лозим”<sup>2</sup>, дея қайд этилди.

Шу ўринда Ўзбекистоннинг энг янги тарихини ўқитиш хусусида сўз юритиш лозим. Яъни, бу давр қўлга киритилган мустақил тараққиёт йўлимизни танланиши, тарихимиз ва миллий-маънавий қадриятларимизни халқимизга қайтарилиши, ўзликни англаш давридир. Ушбу даврнинг узвий давоми эса миллий тараққиётимизга янгича мазмун бахш этган ҳамда янги тараққиёт даврини бошлаб берган янги Ўзбекистон давридир. Зеро, сўнгги йилларда мамлакатимизда Ўзбекистоннинг қўлга киритилган мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш, ҳуқуқий-демократик давлат қуриш, фуқаролик жамиятини янада тараққий эттириш, инсон қадрини улуғлаш, мамлакатимизда яшаётган барча миллатларнинг тотувлиги ва тенглигини таъминлаш, республикани ижтимоий-иқтисодий юксалтиришга эришиш йўлида янгича ислохотлар амалга оширилди<sup>3</sup>.

Ўзбекистоннинг энг янги тарих фани хусусида холис маълумотларга эга бўлиш учун фаннинг предмети ва объектини тўғри белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ҳозирги кунда тарихчилар олдида турган муҳим масалалардан бири бу, ўзбек халқи ва унинг давлатчилик тарихини фаннинг предмети ва уни ўрганиш объектидан келиб чиқиб, янгича назарий-методологик тамойилларга таянган ҳолда ҳаққонийлик, холислик тамойиллари асосида ёритишдан иборатдир.

Шу боисдан Ўзбекистоннинг энг янги тарихи даврини қуйидаги икки муҳим тарихий даврга бўлиш мақсадга мувофиқ:

1. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ва янада мустаҳкамлаш даври (1991-2016 йиллар)
2. Янги Ўзбекистон ва унинг стартегик тараққиёт даври (2017 йилдан ҳозиргача).

Энг янги тарих фани ҳам бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар каби мустақил фандир. У барча фанлар қатори алоҳида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиб, ижтимоий-гуманитар ва бошқа айрим фанлар билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганилади. Биринчидан, у ўз хусусиятига кўра, мустақиллик йиллари тарихи ҳақида сабоқ беради, инсонларни содир бўлган воқеа ва ҳодисалар ҳақида зарур

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2018 йил 29 декабр.

<sup>3</sup> Обломуродов Н. Толипов Ф. Ўзбекистон тарихи. (Олий таълим муассасаларининг номутахассислик талабалари учун дарслик). Т., 2021.

хулосалар чиқаришга ундайди, уларни давлатимиз ва жамиятимизнинг яқин тарихимиздаги ўрнини кадрлашга ундайди.

Иккинчидан, тарих фанини ўрганишда барча ижтимоий-гуманитар фанлар учун хос барча тамойил ва услубларга таянилади. Ҳатто уни ўрганишда математик усулдан ҳам фойдаланилиши, бежиз эмас. Чунки тарихий воқеа ва ҳодисалар қатъий аниқликда, даврий кетма-кетликда, хронологик асосда ўрганилади. Уларни ўрганишда тарихий ҳужжат ва далилларнинг ҳақиқий эканлиги, улар қачон, қаерда, қандай тарихий муҳит ва шароитда яратилганлигига ҳам аҳамият берилади. Ўзбекистоннинг энги янги тарихи фани яқин ўтмишимиздаги ижтимоий, сиёсий, иқтисодий жараёнларни, уларнинг ривожланишининг сабабларини ўрганади. Кишиларни улардан келажак учун сабоқ олишга ва зарур хулосалар чиқаришга ундайди. Бу эса келажак авлодлар камолотида катта аҳамиятга эга.

Мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига тобора интергациясини таъминлаш, яқин кўшничилик ва стратегик ҳамкорликка асосланган очиқ прагматик сиёсат олиб бориш, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш тизими янада мустаҳкамланди ва такомиллаштирилди. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатларига эътибор беришнинг янгича механизми жорий этилди. Узоқ йиллар мобайнида етилиб қолган кўплаб муаммоларни ҳал қилиш, ҳар бир раҳбарнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш, халқнинг дарду- ташвишлари билан яшаш, фуқаролар мурожаатлари билан ишлашнинг янгича тизимини жорий этилиши, инсон омилига эътибор масалаларининг тубдан ислоҳ қилиниши янги Ўзбекистоннинг улкан тарихий ютуғидир.

Янги тарих фанини ўқитишда сўнгги йилларда «Инсон қадрини улуғлаш» тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаш масалаларига эътибор кучайтирилди. Шу билан бирга Ўзбекистон имиджини жаҳон саҳнасида илгари суришни назарда тутувчи чора-тадбирлар мажмуини тайёрлаш ва амалга ошириш, мамлакатимизда ислоҳотларнинг бориши, жамиятни демократик янгилаш жараёнлари ҳақида холис ахборот тарқатишнинг самарали давом эттириш, ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг норматив-ҳуқуқий базасини ҳамда халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Ўзбекистоннинг энг

янги тарихи фани эса ушбу тарихий жараёнларни тадрижий равишда ўрганади ва келажак авлодларга етказди.

### **ХУЛОСА**

Умуман, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини тизимли равишда тарихийлик ва холислик принципларига асосланган ҳолда ўрганиш, улкан тарихий-маданий меросга эга бўлган ва жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган ўзбек халқининг мустақиллик йилларидаги шонли ўтмиши ва бугунги кунига холисона баҳо бериш йўлидаги сайи ҳаракатларимизга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади. Бу эса тарихчи олимлар олдига ўқув, ўқув-методик адабиётлар ва дарсликларнинг янги авлодини яратиш ишларини мувофиқлаштиришни, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини умумжаҳон ва минтақа халқлари тарихи билан муштарак ҳода тадқиқ этиш вазифасини қўймоқда. Бу шубҳасиз, Ўзбекистоннинг энг янги тарих даврини нафақат мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохот ва ўзгаришлар билан ҳамоҳанг ўрганишни таъминлайди, балки келажакдаги стратегик мақсадларимизни рўёбга чиқаришга ҳам хизмат қилади.

### **REFERENCES**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги Фармони. // Янги Ўзбекистон. 2022 йил, 1 феврал, №22 (544) / 1. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan “On the Development Strategy of the New Uzbekistan for 2022-2026. // New Uzbekistan. February 1, 2022, №22 (544)
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2018 йил 29 декабр. 2. Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis. // "Xalq so'zi" newspaper, December 29, 2018.
3. Обломуродов Н. Толипов Ф. Ўзбекистон тарихи. (Олий таълим муассасаларининг номутахассислик талабалари учун дарслик). Т., 2021. 3. Oblomurodov N. Tolipov F. History of Uzbekistan. (Textbook for non-specialty students of higher education institutions). Т., 2021.